

# Қўқон шаҳар ҳокими Давлат бошқаруви академиясидаги ўқув-семинарда иштирок этмоқда

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, туман ва шаҳар ҳокимлари малака ошириш ўқув-семинари бўлиб ўтмоқда, [деб хабар бермоқда](#) Халқ сўзи online.

Ўқув-семинарида Қўқон шаҳар ҳокими Маруфжон Усмонов ҳам иштирок этмоқда. 10 кунлик машғулотлар давомида тингловчилар “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” асосида “Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш”, “Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш”, “Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштириш”, “Қишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда чорвачиликни ривожлантириш”, “Ижтимоий соҳани ривожлантириш” ва “Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсатни амалга ошириш” каби йўналишларда билим ва кўникмаларини ошириш имконига эга бўладилар.

Ўқув-семинари давомида иштирокчилар республикамизнинг асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларининг ҳудудлар бўйича таҳлили ва илғор хорижий давлатлар тажрибалари асосида мавжуд муаммолар, уларнинг амалий ечимларидан иборат бўлган маълумотлар ҳамда Тошкент шаҳри ва вилоятида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнлари билан яқиндан танишадилар.

Ўқув машғулотлар мамлакатимизнинг ҳар бир соҳасидаги етук мутахассислари, вазирлик, идора ва ташкилотларнинг раҳбарларидан таркиб топган жами 91 нафар маърузачилар томонидан 40 та мавзу доирасида 108 та йўналишда олиб борилади.